

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВА САЙЁРА СОБИРОВНА

**МАҲАЛЛИЙ РИЗОБАКТЕРИЯЛАР ШТАММЛАРИ АСОСИДА
ЎЎЗАНИНГ СТРЕСС ШАРОИТЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ
ОШИРУВЧИ ЯНГИ РАҚОБАТБАРДОШ МИКРОБ
ПРЕПАРАТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Муродова Сайёра Собировна

Маҳаллий ризобактериялар штаммлари асосида ғўзанинг стресс шароитларга чидамлилигини оширувчи янги рақобатбардош микроб препаратларини яратиш ва уларнинг амалий аҳамиятини баҳолаш..... 3

Муродова Сайёра Собировна

Создание новых конкурентоспособных микробных препаратов на основе местных штаммов ризобактерий повышающих устойчивость хлопчатника к стрессовым условиям и оценка их практического значения..... 27

Murodova Sayyora Sobirovna

The creation of new competitive microbial preparations of cotton plant based on local rhizobacteria strains that increase a resistance to stress conditions and studying their practical importance..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 79

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВА САЙЁРА СОБИРОВНА

**МАҲАЛЛИЙ РИЗОБАКТЕРИЯЛАР ШТАММЛАРИ АСОСИДА
ВВЗАНИНГ СТРЕСС ШАРОИТЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ
ОШИРУВЧИ ЯНГИ РАҚОБАТБАРДОШ МИКРОБ
ПРЕПАРАТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ БВЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЈСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/B24 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (info@microbio.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Давранов Қаҳрамон Давранович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмаилов Зафар Файзуллаевич
биология фанлари доктори

Хашимова Нигора Рустамовна
биология фанлари доктори

Хўжамшукуров Нортожи Абдухолиқович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Генетика ва ўсимликлар экспериментал
биологияси институти**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_» _____ соат 10:00 даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-қават, Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98).

Диссертация автореферати 2018 йил «_» _____ тарқатилди.
2018 йил «_» _____ рақамли реестр баённомаси

Т.Ф.Арипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

З.Р.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Т.Г.Гулямова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда суғориладиган ҳудудлардаги иккиламчи шўрланишга учраган майдонларнинг кенгайиши қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилнинг кескин камайиши тупроқ шўрланишини олдини олиш ва айниқса экинларни шўрга чидамлилигини оширишда янги самарадор биотехнологик усулларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Бу ўринда, айниқса, турли тупроқ шўрланиши шароитларида яшашга мослашган ризобактериялар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларни ўсимликларни шўрга чидамлилигини оширишдаги биотехнологик потенциални баҳолаш ва ризобактериялар асосида рақобатбардош микроб препаратларини яратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши «ўсимлик-тупроқ-микроорганизм» тизимидаги ички биотик боғланишларни аниқлаш асосида микроб гуруҳларини қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш ҳамда турли стресс омилларга чидамлилигини ошириш амалиётига кенг жалб этишни тақозо этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда замонавий қишлоқ хўжалиги биотехнологияси амалиётида шўрланган шароитда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштирувчи илдиз атрофи бактерияларига алоҳида эътибор қаратилди. Шўрга чидамли ризобактерияларнинг стимуляторлик, фунгицидлик, бактериоцидлик ва фитостимуляторлик хусусиятлари маҳаллий ризобактерия штаммлари асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг турли ноқулай шароитларга чидамлилигини оширувчи биопрепаратларни яратиш ва улар самарадорлигини оширишни белгилаб беради. Шунга кўра, турли шўрланиш типларида яшашга мослашган ризобактерияларнинг скрининги ва синергетик самарага эга турларининг мувофиқлигини тадқиқ этиш, комплекс таъсирга эга бўлган маҳаллий ризобактериялар штаммлари асосида ўсимликларни стресс омилларига чидамлилигини оширувчи препаратлар ишлаб чиқариш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш учун, жумладан, ғўза экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда ундан олинадиган ҳосил миқдори ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, ғўзанинг шўрланиш ва сувсизликка чидамли бўлган янги навларини яратиш соҳасида муҳим натижаларга эришилди. Шу билан бирга, республикамизнинг суғориладиган ҳудудларидаги иккиламчи шўрланишга учраган майдонларда ғўзадан юқори ҳосил олиш самарадорлигини ошириш учун, жумладан, биотехнологик-инновация усуллари орқали ғўзанинг шўрга чидамлилигини оширувчи янги рақобатбардош микроб препаратларини яратиш ва уларни амалий аҳамиятини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида¹ «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни кенг жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тупроқ шўрланиш яшашга мослашган маҳаллий ризобактериялар ва улар фаол штаммларининг биотехнологик препаратлар ишлаб чиқаришдаги потенциални аниқлаш, ризобактериялар штаммлари асосида ғўзанинг стресс шароитларга чидамлилигини оширувчи янги рақобатбардош микроб препаратларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Шўрланган тупроқ шароитида ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш учун микроорганизмлар фаолиятдан фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, West Virginia University Organic Research, (АҚШ), Crop Development Centre at the University of Saskatchewan (Канада), Manufactured by AViTEP GmbH Glienicke Weg Berlin (Германия), NIN Co. Ltd. (Шимолий Корея), Kyushu University (Япония) ҳамда Микробиология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Ризобактерия штаммлари асосида рақобатбардош микробли препаратлар ишлаб чиқаришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: аэроб ва анаэроб микроорганизмларнинг энг фаол турларини бирлаштириб, самарали микроорганизмлар асосида “ЭМ технология” яратилган (Kyushu University, Япония); «ўсимлик-тупроқ-микроорганизм» муносабатларини тизимли тадқиқ этиш натижасида ризобактериялардан ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини жадаллаштирувчи ҳамда биологик назорат қилиш воситаси сифатида кўпгина кимёвий препаратларга нисбатан экологик хавфсизлиги, арзонлиги жиҳатидан устунликка эга эканлиги асосланган (Leiden University,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/http://dx.doi.org/10.1016/j.soilbio.2014.10.020>; <http://iaspub.epa.gov/apex/pesticides/>; <http://www.arysta-na.com>; <http://www.bioag.com.au>; <http://www.BioSci.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Нидерландия); ризобактериялар асосида биопрепаратлар яратилган Manufactured by AБиTEP GmbH Glienicke Weg Berlin (Германия); қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини оширишда микроб биотехнологияларидан фойдаланишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқилган (Микробиология институти, Ўзбекистон).

Дунёда стресс омилларга чидамли биопрепаратлар олиш бўйича бир қатор, жумладан, қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: агрономик фойдали микроорганизмлар штаммлари асосида микроб комплексларини шакллантириш; экологик тоза маҳсулотлардан биопрепаратлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, ишлаб чиқариш шароитларини оптималлаштириш ҳамда муайян тупроқ шароитлари ва агроиклимга мослаштириш; ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш билан бирга тупроқда кечадиган жараёнларга йўналтирилган таъсир этишини ва бозор иқтисодиёти шароитида препаратларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ризобактерияларни ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш, турли хилдаги ташқи таъсирлардан, касалликлардан ҳимоя қилиш ва етиштириладиган ҳосилнинг сифатини яхшилашда қўллашга қаратилган тадқиқотлар қатор хориж олимлари Alizadeh O. & et al. (2012), Jungwook Yang & et al. (2008), Ahmad F. & al. (2011), Pereg L. & McMillan M (2015) ишларида келтирилган. Уларда пахтачилик соҳаси учун мўлжалланган ризобактериялар асосида яратилган (Kodiak, Ascend/BuRIZE, PIX PLUS, Deny, Intercept, SoilGard, Contans WG, Afla-Guard, BioAg Soil and Seed) микробиологик воситаларнинг номлари ҳам қайд этилган.

МДХ давлатларининг олимларидан И.А Тихонович ва бошқ. (2005), Чеботарь ва бошқ. (2007), А.М.Боронин (1998), В.Ф. О.Н.Логинов (2005), ризобактериялар асосидаги биопрепаратлар билан қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш, ўсимликларни фитопатогенлардан ҳимоя қилиш, ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш, тупроқ шароитига мослашиши, тупроқ таркибидан олиб чиқиб кетиладиган озуқа моддалари микдорининг камайиши ва оқибатда азот, фосфор, калий каби элементлар захирасининг сақланиб қолинишига эришиш имконияти мавжудлиги исботлаб берилган.

Шу каби тадқиқотлар мамлакатимиз олимларидан Қ.Давранов (2013), С.М.Ходжибаева (2012), Г.Д.Золотилина, (2011), З.Р.Ахмедова (2008), Г.И.Джуманиязова (2012), Нарбаева Х.С. (2016) ва бошқалар томонидан олиб борилган. Аммо, ризобактериялар асосида комплекс биопрепаратлар ишлаб чиқаришда бир қатор омилларнинг, яъни биопрепарат қўлланиладиган мақсаддаги ўсимликни ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган ризобактерияларни танлаб олишдан бошлаб, уларнинг шўрланишга ва фитопатогенларга чидамлик механизмлари, тупроқ типи, маҳаллий микроб ҳамжамоалари, атроф муҳит шароити, экин зичлиги, ташувчиларнинг яроқлилиги, тупроққа ишлов бериш, экинни етиштириш тизимига мувофиқлиги, нав хусусиятларига мослиги, лаборатория регламенти, sanoat

ва ярим саноат миқёсида ишлаб чиқаришнинг технологик шароитларини, тижоратлаштириш шартларини инобатга олиб, чуқур тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шу нуқтаи назардан, турли хил ризобактерияларнинг фойдали хусусиятлари асосида, илмий асосланган шўрланган тупроқларда микроб препаратларини ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масаласи долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИД-7-7-«Тупроқ жараёнларини фаоллаштиргични олиш технологияси» (2005-2006), И-2012-30-«Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида янги микробиологик препаратлардан фойдаланиш технологиясини жорий этиш» (2012-2013), ИОТ-2013-5-32-«Шўрланган тупроқлар унумдорлигини оширишда «Замин» микробли композициясини қўллаш ва унинг саноат намунасини Давлат кимё комиссияси рўйхатидан ўтказиш» (2013-2014) мавзуларидаги инновация лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ризобактериялар штаммлари асосида ғўзанинг стресс шароитларга чидамлилигини оширувчи янги рақобатбардош микроб препаратларини яратиш ва уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шўрланишнинг хлорид-сульфатли ва сульфатли шароитларида яшашга мослашган ризобактериялар скрининги, идентификацияси ва фаол штаммларнинг биотехнологик потенциалини аниқлаш;

ризобактерияларнинг синергетик самарага эга турларининг мувофиқлигини тадқиқ этиш;

ноқулай ташқи муҳит шароитларига чидамли полифункционал биопрепаратнинг асосини ташкил этувчи ризобактерияларнинг стимуляторлик, фунгицидлик, бактериоцидлик хусусиятларини аниқлаш;

юқори даражада фитостимуляторлик фаоллигига эга бўлган ризобактериялар асосида комплекс ассоциатив тизимни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш;

комплекс таъсирга эга бўлган маҳаллий ризобактериялар штаммлари асосида стрессга чидамли рақобатбардош препаратлар тайёрлаш технологиясини яратиш;

ғўза билан қиска ротацион тизимли алмашлаб экиш учун мош ўсимлиги илдиз тугунак бактерияларининг симбиотик фаол штаммлари асосида биопрепарат олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ғўзанинг стресс шароитларга чидамлилигини оширувчи янги биопрепаратларнинг ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти турли даражада шўрланган тупроқларда

ўстирилган ғўза ризосферасидан ажратиб олинган *Bacillaceae* ва *Pseudomonadaceae*, *Rhizobiaceae* оилаларига кирувчи ризосфера бактериялари, кучсиз, ўртача, кучли даражада шўрланган ва шўрланмаган ўтлоқи-бўз, бўз ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлар, биологик ўғитлар, ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) нинг С6524, Ан-Боёвут-2, Андижон 37, Бухоро 6, С4727 навлари ҳамда Жарқўрғон СП-1303, Т-1304, Т-1305, О-393-400/14, О-373-374/14, О-329-336/14, О-222-223/14, О-383-384/14, О-26/14, О-21-22/14, О-31-32/14 нав, тизма ва оилалари.

Тадқиқотнинг предмети ғўза ризосферасида самарали фаолият юритувчи бактерия штамmlарини ажратиш ва улар асосида янги таркибга эга бўлган микробли препаратларни шакллантириш ва уларнинг шўрланган тупроқларда ғўза ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ҳамда касалликларини биологик назорат қилувчи омилларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида биотехнологик, микробиологик, биокимёвий, молекуляр-биологик, биокимёвий, фотоколорометрик, хромато-масс-спектрофотометрик, агрокимёвий, фенологик, биометрик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

скрининглар асосида ғўза ризосферасидан хлоридли ва сульфатли шўрланишга (200мМ гача) чидамли штамmlари танлаб олинган;

морфологик-културал, физиологик-биокимёвий ва 16S рРНК таҳлиллари асосида шўрланишга чидамли ризобактерияларнинг маҳаллий штамmlарининг *Bacillus subtilis*, *Bacillus megaterium* ва *Pseudomonas stutzeri* турларига мансуб эканлиги аниқланган;

танлаб олинган ризобактериялар *Pseudomonas stutzeri* СКБ 308 штаммида 55,0 м.ж.н., *Bacillus subtilis* СКБ 309 штаммида 13,3; 30 ва 48,5 м.ж.н; *B. megaterium* СКБ 310 штаммида 23,1 м.н.ж. ҳамда ўлчамга эга йирик плазмид ДНК лари мавжудлиги аниқланган;

стресс шароитда (рН-9,0) *Pseudomonas stutzeri* СКБ 308, *Bacillus subtilis* СКБ 309 ва *Bacillus megaterium* СКБ 310 штамmlари мос равишда $19,4 \pm 0,79$; $20,7 \pm 1,01$; $17,74 \pm 0,85$ мкг/мл миқдорда индолил-3-сирка кислотаси (ИСК) синтез қилиши очиб берилган;

Pseudomonas stutzeri СКБ 308 штаммининг кучли антагонистик фаолликка бўлган эга оралиқ бирикма 1-бром-2-фталимидэтан синтез қилиши аниқланган;

ризобактерияларнинг ғўза ўсимлиги билан ўзаро мутуалистик муносабатга киришишдаги синергетик механизми асосланган;

маҳаллий ризобактериялар *Bacillus subtilis*, *Bacillus megaterium* ва *Pseudomonas stutzeri* штамmlарининг Cl^- ва SO_4^{2-} ионларига чидамлик ва антагонистик фаоллик механизmlари аниқланган;

«Замин-М» биопрепаратининг ғўза экинида учрайдиган асосий фитопатоген микробларга (*Fusarium* sp., *Xanthomonas compestriis* pv. *malvacearum*, *Fusarium oxysporum* f. sp. *vasinfectum*, *Botrytis cineria* ва *Verticillium dahliae*) қарши курашиш имконияти мавжудлиги асосланган;

комплекс таъсирга эга бўлган суюқ ва қуруқ ҳолатдаги биопрепаратлар ишлаб чиқариш биотехнологияси яратилган;

илк бор ризобактерияларни шўрланишга чидамли *Bacillus subtilis* СКБ 309, *Bacillus megaterium* СКБ 310 ва *Pseudomonas stutzeri* СКБ 308 штаммларини сақлаш, ўстириш ҳамда фойдаланиш шароитида ўзаро рақобатсиз муносабатга эга ассоциатив тузилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Bacillus subtilis СКБ 309, *Bacillus megaterium* СКБ 310 ва *Pseudomonas stutzeri* СКБ 308 штаммлари асосида комплекс таъсирга эга бўлган “Замин-М” биопрепарати, уни ишлаб чиқаришнинг лаборатория, ярим саноат ва саноат регламентлари яратилган;

полифункционал, рақобатбардошлик ва тупроқ шўрланиши шароитларида кучли яшовчанлик хусусиятларига эга бўлган “Замин-М” ва “Микробли ўғит” биопрепаратларини ишлаб-чиқариш технологияси яратилган;

ғўзанинг стресс шароитларга чидамлилигини оширувчи «Замин-М» ва «Микробли ўғит» биопрепаратларининг тажриба-синов намуналари ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалик амалиётига жорий этилган;

тупроқ ферментатив фаоллиги ва фойдали микроорганизмлар популяцияси тараққиётига самарали таъсирга эга “Замин-М” биопрепаратининг тупроқ унумдорлигини ошириши исботлаб берилган;

“Замин-М” ва “Микробли ўғит” биопрепаратлари шўрланган шароитларда ғўза етиштириш амалиётига янги стимулятор восита сифатида тақдим этилган;

маҳаллий биологик препаратлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш агротехникаси ҳамда ишлаб чиқаришга оид тавсиялар яратилган;

«Замин-М» комплекс биологик препарати ЎзР Давлат Кимё комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун рухсат этилган агрохимикатлар ва пестицидлар рўйхатида киритилган (№1А1005-сон гувоҳномаси).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий жиҳатдан ва тажриба йўли билан расмий манбалар асосида фойдаланилганлиги ва замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланганлиги, экспериментал маълумотларга статистик ишлов берилганлиги, хато, ўртача, ишончлилик интерваллари, стандарт чекланишни ҳисоблаш *Statview 5.0 for Windows* компьютер дастури ва *Anova* дастурий пакети асосида стандарт методлар ёрдамида олиб борилганлиги ҳамда ишлаб чиқариш амалиётида баҳоланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўза ризосферасидан хлорид ва сульфатли шўрланишга чидамли маҳаллий штаммлари ажратилиб, классификацияланганлиги (*Bacillus subtilis*, *Bacillus megaterium*, *Pseudomonas stutzeri*), ризобактерияларнинг ғўза ўсимлиги билан ўзаро мутуалистик муносабатга киришишдаги синергетик механизмларини асослаб

берилганлиги, шўрга чидамли ризобактериялар асосида яратилган биопрепаратининг ғўза экинининг асосий фитопатогенларига қарши курашиш имкониятини исботлаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва жадал ривожлантириш мақсадида, экологик тоза, арзон ва самарали технология сифатида шўрланган тупроқларда самарали фаолиятга эга маҳаллий ризобактерия штаммларидан ташкил топган «Замин-М» биопрепарати Жиззах, Бухоро, Тошкент вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий этилганлиги билан белгиланади. Мазкур агроэкобиотехнологиядан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ҳамда юқори сифатли ғўза етиштириш технологиясини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий ризобактериялар штаммлари асосида ғўзанинг стресс шароитларга чидамлилигини оширувчи янги рақобатбардош микроб препаратларини яратиш ва уларнинг амалий аҳамиятини баҳолаш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

шўрланган тупроқлар унумдорлигини оширувчи микроорганизмлар ассоциацияси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05254. 16.01.2014). Натижада микроорганизмлар ассоциацияси шўрланган тупроқлар шароитида қишлоқ хўжалик экинлари учун қўлланиладиган «Замин-М» биопрепаратини олиш имконини берган;

«Замин-М» препарати Давлат Кимё комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида 2015-2019 йиллар давомида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати» га киритилган (№1А1005; №5.11.155; 23.01.2015). Биопрепарат Бухоро вилояти Жондор тумани ғўзанинг вилт касаллиги билан юқори даражада зарарланган шўрланган майдонларида қўлланилганда 1,8 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

«Замин-М» биопрепарати Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах ва Бухоро вилоятлари пахта майдонларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 29 ноябрдаги 02/20-1260-сон маълумотномаси). Натижада тупроқнинг шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолда ғўзадан гектарига 7,0; 5,4 ва 1,8 ц қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

тупроқ унумдорлигини оширишда комплекс микробли препаратлардан фойдаланиш натижалари асосида «600000 – қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги» билим соҳаси талабалари учун «Қишлоқ хўжалик биотехнологияси» дарслиги чоп этилган (26.02. 2009 й. 046-сон гувоҳномаси). Натижада агрокимё ва тупроқшунослик, мева-сабзавотчилик, биотехнология йўналишлари бакалавр ва магистр талабаларини қишлоқ хўжалиги экинларини стресс омилларга чидамлилигини оширишнинг

биотехнологик асослари ва амалиётда ундан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 1 та ихтиро патенти олинган, жами 42 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 14 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ризосфера микроорганизмларидан биопрепаратлар сифатида фойдаланиш масаласини ўрганишнинг хорижий илмий адабиётлар асосидаги замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида ризосфера микроорганизмларидан биопрепаратлар сифатида фойдаланишни муаммосини ўрганишнинг замонавий ҳолати ва амалий аҳамияти, ризосфера микроорганизмларини қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини оширишнинг назарий асослари, ризобактерияларнинг биоўғит, фитостимулятор ва бионазорат воситаси сифатидаги ўрни, ўсимликларда, жумладан, ғўзада касаллик кўзғатувчи асосий фитопатогенлар, уларга қарши курашда ризобактерияларнинг аҳамияти, шунингдек, пахтачиликда қўлланиладиган микробли ўғитлар, PGPR асосидаги пахтачилик учун тижоратлаштирилган маҳсулотлар, ўсимликларнинг шўрга чидамлилиқ механизмлари ва уларнинг амалий аҳамияти, турли таксономик ва физиологик гуруҳларга мансуб микроорганизмларнинг интеграллашган ҳаёт фаолияти таҳлил қилинган, агрономик фойдали микроорганизмлар штаммлари асосида микроб комплексларини шакллантириш зарурияти ва уларнинг тупроқда кечадиган жараёнларга йўналтирилган таъсир этишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Ўсимликларнинг ўсишини ва ривожланишини жадаллаштирувчи микроорганизмлар асосида**

биопрепарат ишлаб чиқариш усуллари» ризобактерияларни ажратиб олиш, морфологик-културал, физиологик-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш, озуқа муҳити таркибини шакллантириш ва оптималлаштириш, микроорганизмларнинг биоиндикацияси, антагонистик фаоллигини ўрганиш, плазмид ДНК сани ажратиб олиш, хромато-масс-спектрометрия, микроорганизмларнинг мувофиқлигини ўрганиш, лаборатория ва дала тажрибларини ўтказиш, режалаштириш ва таҳлил қилиш, тупрок таркибидаги тузлар миқдорини ва шўрланиш даражасини аниқлаш ҳамда иқтисодий самарадорликни аниқлаш усуллари ёритилган.

Диссертациянинг «**Шўрланиш стресси шароитига чидамли полифункционал биопрепаратлар ишлаб чиқаришнинг биотехнологик асослари**» учинчи бобида турли даражада шўрланган суғориладиган тупроқлардаги микроорганизмларнинг биоиндикацияси ўрганилган бўлиб, асосий микроб гуруҳларининг вариабеллиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Кучли шўрланган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида кучсиз шўрланган тупроқларга нисбатан аммонификаторлар 1,4 марта, нитрификаторлар 3,18 марта, денитрификаторлар 2,8 марта, азотфиксаторлар 2,6 марта, аэроб целлюлозапарчаловчилар 3,5 марта, мой кислотали бижғитувчи микроорганизмларнинг сони 2 марта кам бўлиши ва микромицетлар сонининг 2 марта кўп бўлганлиги қайд этилган.

Шўрланиш стресси шароитида ғўза ўсимлигини ўсиши ва ривожланишини стимулловчи маҳаллий ризобактерияларни 190 дан ортиқ културалари орасидан 3 хили танлаб олиниб, уларнинг морфологик-културал, физиологик-биокимёвий хусусиятлари ва 16S рРНК таҳлиллари асосида *Bacillus subtilis*, *Bacillus megaterium* ва *Pseudomonas stutzeri* турига мансуб эканлиги идентификация қилинган ва биопрепарат ишлаб чиқариш биотехнологияси учун истиқболли деб топилган.

Шўрланиш стресси шароитида ғўза ўсимлигини ўсиши ва ривожланишини стимулловчи маҳаллий ризобактерияларнинг *P. stutzeri* СКБ 308, *B. subtilis* СКБ 309 ва *B. megaterium* СКБ 310 штамлари ўзининг физиологик ва биокимёвий хусусиятларига кўра, кенг спектрдаги элементларни ўзлаштира олиши, NaCl Na₂SO₄ миқдорининг юқори 200 мМ ли концентрациясига бардошлилиги билан ажралиб туриши ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Олинган натижалар асосида, ғўза чигити бактеризацияси учун оптимал концентрация алоҳида штамлар учун 1×10^{-7} КХБ/мл бўлган суспензия эканлиги, ризобактериялар ассоциациясида эса бу кўрсаткич 1×10^{-9} КХБ /млга тенг эканлиги, уларнинг таъсирида уруғларнинг унувчанлиги 93,3% га ортиши аниқланган ва келгуси тадқиқотлар учун айнан шу концентрацияли бактериялар суспензияси мувофиқ келади, деган хулосага келинган.

Тадқиқотлар давомида ажратиб олинган ризобактерияларнинг антагонистик фаоллиги ўрганилганда, *P. stutzeri* СКБ 308 штаммининг фитопатогенларни тўхтатиш статик-зоналари *Verticillium dahliae* учун $30 \pm 0,3$ мм, *Botrytis cineria* учун $25 \pm 0,4$, *Fusarium* sp. учун $25 \pm 0,4$ мм, *Xanthomonas*

comprestris pv. malvacearum учун $20 \pm 0,3$, *Fusarium oxysporium f.sp.vasinfectedum* учун $18 \pm 0,4$ мм ни ташкил этиши аниқланган. *B.subtilis* СКБ 309 штаммининг антагонистик фаоллиги *Verticillium dahliae* учун $28 \pm 0,2$ мм, *Botrytis cineria* учун $20 \pm 0,3$, *Fusarium sp.* учун $25 \pm 0,3$ мм, *Xanthomonas comprestriis pv. malvacearum* учун $20 \pm 0,6$ мм, *Fusarium oxysporium f.sp.vasinfectedum* учун $22 \pm 0,5$ мм эканлиги қайд этилган. *B.megaterium* СКБ 310 штаммида ушбу кўрсаткичларнинг мос равишда $28 \pm 0,6$; $20 \pm 0,4$; $22 \pm 0,3$; $15 \pm 0,2$ ва $16 \pm 0,3$ мм га тенг эканлиги аниқланган.

Фитопатогенларни тўхтатиш зоналарига кўра, ризобактерияларнинг *P. stutzeri* СКБ 308, *B. subtilis* СКБ 309 ва *B.megaterium* СКБ 310 штаммлари кейинги тадқиқотлар учун истиқболли бионазорат воситаси деб топилган ва комплекс таъсирга эга микробиологик препаратни шакллантиришда асосий манба сифатида танлаб олинган (1-жадвал).


1-жадвал

Ризобактерияларнинг баъзи бир фитопатогенларга нисбатан антагонистик фаоллиги

Синалган штаммлар	Фитопатогенларнинг ўсишини тўхтатиш зонаси (мм)				
	<i>Verticillium dahliae</i>	<i>Botrytis cinerea</i>	<i>Fusarium sp.</i>	<i>Xanthomonas campestris pv. Malvacearum</i> (Smith)	<i>Fusarium oxysporum f. sp. vasinfectedum</i>
<i>P.stutzeri</i>	$30 \pm 0,3^*$	$25 \pm 0,2$	$25 \pm 0,4$	$20 \pm 0,3$	$18 \pm 0,4$
<i>B.subtilis</i>	$28 \pm 0,2^*$	$20 \pm 0,3$	$25 \pm 0,3^*$	$20 \pm 0,6$	$22 \pm 0,5$
<i>B.megaterium</i>	$28 \pm 0,6^*$	$20 \pm 0,4$	$22 \pm 0,3$	$15 \pm 0,2$	$16 \pm 0,3$

Изох: * - $p \leq 0,05$ да статистика ҳамаиятли

Электрофоретик таҳлиллар натижасида *Pseudomonas stutzeri* СКБ 308 штаммида 55 м.ж.н.; *Bacillus subtilis* СКБ 309 штаммида 48,5, 30,0 ва 13,3 м.ж.н. ва *Bacillus megaterium* СКБ 310 штаммида 23,1 ўлчамдаги плазмид ДНКлари мавжудлиги аниқланган (1-расм).



1 – расм.

Ризобактерияларнинг плазмид ДНКсини 1%ли агарозали гелдаги электрофореграммаси.

- 1-Marker – Hyper III.
2. Marker – λ +HindIII.
3. *Bacillus megaterium* СКБ 310
4. *Bacillus subtilis* СКБ 309
5. *Pseudomonas stutzeri* СКБ 308

Олинган тадқиқот натижалари асосида ва илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар кесимида, ўрганилган штаммларда шўрланишга

чидамли *orf4* и *orf5* оперонлари (open reading frames – *orf*) бўлган генларни сақловчи плазмидаларда эҳтимол аспартат ионлари транспортида иштирок этувчи ёки *asd-s* генлари мавжудлиги, бу эса уларнинг осмотолерантлигини юзага чиқишида бевосита қатнашишлари натижасида ноёб хусусиятларни мужассамлашишига сабаб бўлишлари мумкин, деган хулосага келинган.

Ризобактерияларнинг фиторегуляторлик хусусияти таҳлили ўтказилганда, *Pseudomonas stutzeri* СКБ 308, *Bacillus subtilis* СКБ 309, *B. megaterium* СКБ 310 штаммларида ИСК (индолил сирка кислотаси) синтези озуқа муҳитига берилган триптофан миқдорига боғлиқ эканлиги тажрибалар натижасида аниқланган (2-жадвал).

Озуқа муҳити таркибига 0,1 мг/л триптофан берилганда, *Bacillus subtilis* СКБ 309 да $12,3 \pm 0,25$, *P. stutzeri* СКБ 308 да $15,6 \pm 0,30,8$, *B. megaterium* СКБ 310 да $18,35 \pm 0,33$ мкг/л ИСК ажралиб чиқиб, 10 мг/г миқдордаги триптофан юқори миқдордаги ИСК ажралишига сабаб бўлиши ва бунда *Bacillus subtilis* СКБ 309 штаммида $20,5 \pm 1,08$, *P. stutzeri* СКБ 308 штаммида $21,7 \pm 0,42$, *B. megaterium* СКБ 310 штаммида $19,76 \pm 1,08$ мкг/л ни ташкил этган.

Олинган натижалар асосида триптофаннинг ушбу миқдори максимал миқдорда ИСК синтезига сабаб бўлиши аниқланган.

2-жадвал.


Ажратиб олинган штаммларда ИСК синтези (мкг/л)

Озуқа муҳитига берилган триптофан концентрацияси	Штаммлар		
	<i>Bacillus subtilis</i> СКБ 309	<i>Pseudomonas stutzeri</i> СКБ 308	<i>Bacillus megaterium</i> СКБ 310
0,1 мг/л	$12,31 \pm 0,25$	$15,7 \pm 0,30$	$18,35 \pm 0,33$
1,0 мг/л	$17,76 \pm 0,20$	$16,86 \pm 0,23$	$15,54 \pm 0,39$
10,0 мг/л	$20,6 \pm 1,08^*$	$21,7 \pm 0,42$	$19,76 \pm 1,08^*$
100 мг/л	$11,28 \pm 0,28$	$16,36 \pm 0,41$	$18,12 \pm 0,24$

Изох: * - $p \leq 0,05$ да статистик аҳамиятли

Pseudomonas stutzeri СКБ 308 штаммида ИСК синтезини масс-спектрометрия усулида ўрганиш давомида 160 пикда оралик бирикма сифатида 1-бром-2-фталимидэтан ажралиб чиққанлиги (2-расм), бу бирикма илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинганда, кучли антагонистик фаолликка эга бирикма эканлиги аниқланган.


Фталимидларнинг кимё терапия амалиётида ишлатиладиган кенг спектрдаги биологик фаол бирикма эканлиги ва табиатда РНК ёки ДНК нинг маҳсулоти бўлиши мумкинлигига оид маълумотлар асосида (Dodd et al. 2010) *Pseudomonas* гуруҳи ризобактерияларининг иккиламчи метаболитлари таркибида пиримидинларга хос бирикмалар синтези мавжудлигини тасдиқловчи маълумотлар келтирилган (Mohamed et al. 2014).



2-расм. *P. stutzeri* СКБ 308 штаммининг масс-спектрометрик таҳлили (160 пикда 1-бром-2-фталимидэтан)

Микроорганизмларнинг ўзаро мувофиқ келишини ўрганиш учун чорраҳавий экиш усулида бир-бирига нисбатан ўзаро антагонистик фаолликка эга бўлмаган ва ягона тизимда биргаликда синергетик муносабатга эга ризобактерияларни танлаб олинган.

Диссертациянинг IV боби “Микроорганизмлар ассоциациясидан таркиб топган биопрепарат ишлаб чиқариш технологияси” мавзусида бўлиб, биопрепарат ишлаб чиқаришдаги асосий технологик параметрларни ўрганишга бағишланган. Углевод манбаи сифатида ишлатилган сахароза, глюкозадан фойдаланилганда юқори натижаларга эришилган бўлса ҳам (5-20 г/л), уларнинг қимматли компонентлар эканлиги, арзон компонент бўлган меласса ва маҳаллий хом ашё, яъни тутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан тут меваларидан уруғ ажратиб олиш жараёнида қоладиган чиқиндисидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилинган. Бунинг учун ипакчиликда экиладиган тут навларидан эмас, йўл ёқаларида экиладиган ҳашаки тутдан, яъни ипакчилик соҳасида умуман қўлланилмайдиган, Республикаимизнинг 4 та вилояти (Самарқанд вилояти, Фарғона, Сирдарё ва Андижон вилояти) да тутчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан йилига 100 кг уруғ олиш давридаги 10-15 тонна оқизиб юбориладиган ширасидан фойдаланиш мумкинлиги ғояси илгари сурилган. Маҳаллий хом ашё сифатида қўлланилган тут уруғини ажратиб олиш давридаги чиқиндиси озуқа муҳитида таркибида тлаб этилган параметрларга яқин миқдорда биомасса тўпланишига сабаб бўлиши ақс эттирилган (3-расм).



Изоҳ: - $p \leq 0,05$ дастатистик аҳамиятли

3-расм. Турли хил таркибдаги озуқа муҳитларининг ризобактерияларнинг ўсишига таъсири.

Тадқиқотлар натижасида 3 хил ризобактерия учун ҳам мувофиқ келадиган ризобактерияларни ўстириш учун оптимал параметрлар аниқланган.

4-жадвал


Ризобактерияларни ўстиришнинг асосий оптимал параметрлари

Параметрлар	Кўрсаткичлар
Ўстириш давомийлиги, соат	72±3
Ҳарорат, °С	28
рН кўрсаткичи	7-8
Чайқатиш интенсивлиги айл, дак	150±5

Изланишлар давомида озуқа муҳити компонентлари сифатида турли манбалардан фойдаланилган. Азот манбаи сифатида (аммоний тузлари, пептон, ачитқи экстракти, маккажўхори уни ва ҳоказолар) қўлланилган. Биопрепарат таркибига кирувчи ризобактериялар штамmlарини 28⁰С ҳароратда 24-48-72 соат давомида турли хил озуқа муҳитларида ўстириб кўпайтириб борилган ва оптимал озуқа муҳити сифатида таркибида ГПБ + биотин тутувчи озуқа муҳити танлаб олинган. Лекин sanoat миқёсида ушбу озуқа муҳити таннархи қиммат бўлганлиги боис, пиво ачитқиси+тут уруғини ажратиб олишдаги чиқиндисидан фойдаланиш истиқболли деб топилган.

Куруқ шаклдаги микробли препаратни тайёрлашда турли хил арзон субстратлардан фойдаланилган, препаратни бойитиш, улардаги микроб хужайраларининг шўрланган жойда яшовчанлигини ошириш ва микроорганизмларнинг субстрат ичида ўсиши ва кўпайишини таъминлаш мақсадида маҳаллий маиший чиқиндилар асосида олинадиган ташувчилардан фойдаланилган. Бунинг учун тупроқ, гўнг, биогурус, ёғоч қириндиси, фосфогипс кабилардан фойдаланилган ва ризобактерияларнинг ўсишида 3 та оптимум нукта пастки, ўрта ва юқори титрга эришиш имконини берадиган субстрат биогурус:фосфогипс:кўмир чиқиндисининг 1:1:1 нисбати танлаб олинган.


Тадқиқотлар асосида ризобактериялар штаммларининг консорциумидан иборат биопрепаратини ишлаб чиқаришнинг принципиал схемаси келтирилган (4-расм). Ушбу биопрепарат энг аввал Жиззах вилояти Жиззах тумани «Заминдор» фермер хўжалигида шўрланган тупроқлар шароитида гўза ўсимлигини етиштириш амалиётида муваффақиятли синовлардан ўтказилганлиги учун унга «Замин-М» номи берилган.



4-расм. “Замин-М” препаратини суюқ шаклини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик чизмаси.1.Озуқа муҳити тайёрлаш сигими. 2. Дастлабки экув материални ўстириш инокулятори. 3. Асосий озуқа муҳитини тайёрлаш сигими. 4. Асосий ўстириш ферментери. 5. Биомассани

йиғиш идиши. 6. Биомассани сақлаш идиши. 7. Дозатор. Қадоқлаш ускунаси.
9. Омборхона

Тадқиқотларнинг кейинги қисми шўрланган тупроқлар шароитида ғўза ўсимлигини етиштиришда қисқа ротацион тизимли алмашлаб экишда такрорий экин сифатида ишлатиладиган мош ўсимлигини тугунак бактериялари *Bradyrhizobium vigna radiata* L. нинг симбиотик фаол штаммларидан биопрепарат олишга бағишланган. Деградацияга учраган тупроқларда ноанъанавий экин сифатида профессор Р.М.Мавлянова томонидан тавсия этилган мош дуккакли ўсимлигининг янги “Зилола” навига ризобактериялар билан ишлов бериш асосида шўрланган тупроқлар унумдорлигини ошириш, тупроқ микробиокимёвий жараёнларини фаоллаштириш, тупроқни турли хил патоген микрофлорадан соғломлаштириш технологияларини жорий этиш мақсадида янги технология сифатида “Микробли ўғит” препаратини ишлаб чиқариш биотехнологияси б.ф.д. проф. Ю.Саимназаров билан ҳамкорликда яратилган (5-расм).




5.-расм. *Bradyrhizobium vigna radiata* L. асосида “Микробли ўғит” олиш технологияси 1-каттик озуқа муҳитида ўстириш; 2-сууюқ озуқа муҳитида ўстириш; 3-чукур ўстириш; 4-субстратни тайёрлаш; 5-элакдан ўтказиш; 6-сув ва CaCO₃ кўшиш; 7-юпка қаватли полиэтилен қопчали қадоққа жойлаштириш; 8-нурлантириш ёрдамида стерилизация қилиш; 9-инокуляция учун тайёр бўлган субстрат; 10-инокулянтни тайёрлаш; 11-бактериялар билан субстратни инокуляция қилиш; 13-28⁰С ҳароратда 5—6 сутка давомида инкубация қилиш; 12-сақлаш.

Диссертациянинг V боби “Ўзанинг стресс шароитларга чидамлилигини оширувчи янги биопрепаратларнинг ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш” турли тупроқ-иклим шароитларида ўстирилган ғўзада олиб борилган тадқиқот натижаларига бағишланган. Препаратнинг 2,5

л/т миқдордаги меъёри ғўза баландлигининг 74,0 см дан ортиқ, 3,0 л/т миқдори 70,5 см бўлишига олиб келган.

